ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ ИСРОИЛЖОН МУХИТДИНОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДА ҚУРҒОҚЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ МИСОЛИДА)

11.00.04 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

УДК 551.577.38

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on geographical sciences

Махмудов Исроилжон Мухитдинович
Ўзбекистон жанубида қурғоқчиликнинг шаклланиш хусусиятлари (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида)..... 3

Махмудов Исроилжон Мухитдинович
Особенности формирования засухи на юге Узбекистана (на примере Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей)..... 21

Makhmudov Isroiljon Mukhitdinovich
Features of the formation of drought in the south of Uzbekistan (on the example of Kashkadarya and Surkhandarya regions)..... 39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....43

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ ИСРОИЛЖОН МУХИТДИНОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДА ҚУРҒОҚЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ МИСОЛИДА)

11.00.04 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Gr318 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nigmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Холматжанов Бахтияр Махаматжанович** география фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Эгамбердиев Хамроқул Турсунқулович** география фанлари доктори, профессор
	Султашова Оралхон Генжебаевна қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 15 июль соат 14^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 712358512, факс: (+998) 712371319; E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№ 240 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 712358512, факс: (+998) 712371319.

Диссертация автореферати 2026 йил 30 июнь куни тарқатилди.
(2026 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ғ.Х. Юнусов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси ўринбосари, г.ф.д.

Б.Э. Нишонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Д.М. Турғунов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда глобал миқёсда иқлим ўзгариши оқибатида инсониятга жиддий зарар етказувчи хавфли гидрометеорологик ҳодисалар, жумладан, жазирима иссиқ тўлқинларининг оқибати сифатида қурғоқчилик ва ёнғинлар тобора жиддий тус олмоқда. Бу борада Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг Олтинчи баҳоловчи ҳисоботида иқлим ўзгариши оқибатида "экотизимлар, инсонлар, аҳоли яшаш пунктлари ва инфратузилмага кенг миқёсли таъсир (юқори ишончлилик билан) қуруқлик ва океанда иссиқлик тўлқинлари, кучли ёғингарчилик, қурғоқчилик ва ёнғинлар каби экстремал иқлимий ва об-ҳаво ҳодисалари частотаси ва жадаллигининг ортиши натижасида юзага келмоқда"[1], деб таъкидланади. Бу ҳолат алоҳида минтақаларда инсон хўжалик фаолияти, хусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсир кўрсатувчи қурғоқчилик ҳодисасининг шаклланиш сабабларини ўрганишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотларни тақозо этади.

Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигининг негизини ташкил этувчи қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун метеорологик, тупроқ, гидрологик ва экологик қурғоқчиликни ўрганиш, бу ҳодисаларнинг такрорланувчанлиги, давомийлиги ва жадаллиги каби характеристикаларини баҳолаш, шунингдек, уларнинг вақт ва фазодаги тақсимот қонуниятларини аниқлаш асносида салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, қурғоқчилик шаклланишининг асосий омиллари, хусусан, унинг иссиқлик ва намлик алмашинуви билан боғлиқ термодинамик ҳамда минтақавий ҳаво оқимлари билан боғлиқ циркуляцион шароитларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хавф солувчи омилларнинг таъсирини камайтириш, шу орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борада муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон Фармонида "Чўлланиш, қурғоқчилик, чанг-қум бўронлари ва ҳароратнинг кўтарилишига қарши чора сифатида жами 600 минг гектар майдонда "яшил қопламалар" – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш"[2] ва 2020 йил 17 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4896-сон Қарорида "гидрометеорологик маълумотлар асосида чўлланишнинг олдини олиш, қурғоқчиликка қарши курашиш"[3] бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни ҳал этишда мамлакатимизнинг турли табиий географик шароитли минтақаларида қурғоқчиликнинг статистик

[1] https://www.ipcc.ch/report/ar6/wg1/downloads/report/IPCC_AR6_WGI_SummaryVolume.pdf.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон Фармони. https://lex.uz/docs/6600413.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4896-сон Қарори. https://lex.uz/docs/5108961.

кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда тақсимот хусусиятларини аниқлаш масалаларига қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон, 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон, 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонлари ва 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда иқлим ўзгариши шароитида қурғоқчиликнинг шаклланиши, унинг такрорланувчанлиги, давомийлиги ва жадаллиги, инсон фаолият соҳаларига салбий таъсири, ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. T.B.McKee, H.R.Byun, D.A.Wilhite, S.M.Vicente-Serrano, S.Beguería, J.I.López-Moreno, M.Hayes, M.Svoboda, N.Wall, M.Widhalm, R.Pulwarty, B.I.Cook, E.Liang, S.D.Schubert, M.Hulme, A.I. van Dijk, A.Danandeh Mehr, M.Öney, A.Anlı ва бошқа олимлар томонидан дунёнинг кўплаб мамлакатларида кузатилган қурғоқчилик ҳодисаларининг турли жиҳатларини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар бажарилган.

МДҲ мамлакатларида қурғоқчилик шароитларининг юзага келиш сабаблари, унинг ривожланиши, ҳудудий тақсимланиш хусусиятлари, ўсимликларга таъсирини тадқиқ этиш масалалари М.Х.Байдал, Г.Т.Селянинов, Д.А.Педь, И.Н.Русин, И.Г.Грингоф, Д.Н.Уткузова, В.М.Хан, Р.М.Вильфанд, А.Д.Клешенко, В.М.Курганская, В.Ф.Логинов, И.И.Мохов, Г.Т.Сулейменова, С.С.Байшоланов, Л.С.Рисалиева каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда қурғоқчилик ҳодисасининг турли жиҳатларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар Л.Н.Бабушкин, Н.А.Агальцева, А.В.Пак, Л.Н.Боровикова, Т.Ю.Спекторман, В.Е.Чуб, Ю.В.Петров, А.Қ.Абдуллаевлар томонидан амалга оширилган. Сўнгги йилларда ушбу масалалар билан М.Л.Арушанов, Б.М.Холматжанов, Д.М.Турғунов, Б.Э.Нишонов, К.Р.Рахмонов, Ғ.Ў.Умирзаков каби тадқиқотчилар шуғулланмоқда.

Бироқ, юқорида номлари келтирилган олимларнинг тадқиқотларида Ўзбекистон шароитида атмосфера қурғоқчилиги шаклланишига таъсир этувчи

асосий омилларни ўрганиш масалалари тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилмаган. Мазкур диссертация ишида ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициенти ёрдамида атмосфера қурғоқчилигининг такрорланувчанлик, давомийлик ва жадаллик кўрсаткичларини баҳолаш, ҳаво массаларининг термогигрометрик кўрсаткичлари ўзгариш диапазонларини аниқлаш ҳамда унинг шаклланишига олиб келувчи Ўрта Осиё синоптик жараёнларининг таъсирини миқдорий баҳолаш масалалари Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари учун кўриб чиқилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг АЛ-5721122072 “Қишлоқ хўжалиги, сув ва энергия ресурсларини барқарор ривожлантириш учун ер усти кузатувлари ва геостационар метеорологик сунъий йўлдошлардан олинган қуёш радиацияси маълумотларидан комплекс фойдаланиш” (2022-2025 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида метеорологик, тупроқ, гидрологик ва атмосфера қурғоқчиликларининг шаклланиш шароитларини миқдорий баҳолаш масалаларидан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қурғоқчилик индексларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ёғинлар миқдори ҳамда термогигрометрик катталиклар маълумотлар базаларини яратиш;

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво ҳарорати ва ёғинлар режимидаги ўзгаришларни баҳолаш;

қурғоқчилик ҳодисасининг мавжуд баҳолаш усулларини қиёсий таҳлил қилиш;

SPI, SPEI ва ТГК (ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициенти) индекслари ёрдамида қурғоқчиликнинг ҳудудий ва вақт бўйича тақсимоти хусусиятларини тадқиқ этиш;

атмосфера қурғоқчилиги шаклланишининг термогигрометрик ва циркуляцион омилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида шаклланувчи қурғоқчилик ҳодисаси олинган.

Тадқиқотнинг предметини Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қурғоқчиликнинг шаклланиш шароитларини миқдорий баҳолаш ҳамда атмосфера қурғоқчилигига олиб келувчи термогигрометрик ва циркуляцион омилларни аниқлаш масалалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда географик тавсифлаш, физикавий-математик, математик статистика ва қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган. Қурғоқчилик тақсимотини аниқлаш ва ҳавола қилишда замонавий ГАТ технологияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг дашт, воҳа ва тоғли минтақаларида 1991-2020 йиллар даврида SPI ва SPEI индекслари асосида

метеорологик, тупроқ ва гидрологик қурғоқчиликлар тақсимоти (такрорланувчанлик, давомийлик, жадаллик кўрсаткичлари) аниқланган;

максимал ҳаво ҳарорати ва унга мос келувчи шудринг нуқтаси ҳарорати асосида аниқланган ТГК индекси ёрдамида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида турли жадалликдаги атмосфера қурғоқчилигининг такрорланувчанлиги ва давомийлиги ҳисобланган;

ҳаво массалари термогигрометрик кўрсаткичлари (ҳаво ҳарорати, унга мос шудринг нуқтаси ҳарорати, шудринг нуқтаси дефицити, сув буғи максимал дефицити)нинг атмосфера қурғоқчилиги шаклланишига олиб келувчи ўзгариш диапазонлари аниқланган;

Ўзбекистон жанубида атмосфера қурғоқчилигини шакллантирувчи ҳаво массалари ва уларнинг Ўрта Осиё минтақасига кириб келишини таъминловчи синоптик жараён турлари статистик таҳлил асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 1991-2020 йиллар даврида ёғинлар миқдорига асосланган SPI ва буғланувчанликни ҳисобга олиб аниқланадиган SPEI индекслари асосида нам ва қурғоқчил келган ойлар, мавсумлар ва йиллар аниқланган;

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида характерли (нам ва қурғоқчил) йилларда SPI ва SPEI индексларининг ҳамда ТГК индекси бўйича атмосфера қурғоқчилиги такрорланувчанлиги ва давомийлигининг тақсимот карта-схемалари тузилган;

ҳаво массалари термогигрометрик кўрсаткичларининг таҳлили асосида турли жадалликдаги атмосфера қурғоқчилиги шаклланишининг бош фарқловчи омили шудринг нуқтаси дефицити эканлиги аниқланган;

март-октябрь даврида ҳаводаги қурғоқчилик шароитлари тропик Турон (ёзги термик депрессия ҳамда кичик градиентли юқори ва паст босимли майдонлар – 11, 12, 13-турлар), мўътадил Турон (антициклонал жараёнлар – 9, 9а ва 9б-турлар) ва мўътадил жанубий (ғарбий кириб келиш – 10-тур) ҳаво массалари устуворлик қилганда кузатилиши аниқланган;

нопараметрик Манн-Кендалл тести ва Тейл-Сен усули ёрдамида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида атмосфера қурғоқчилигининг ялпи давомийлиги ортиш тамойилига эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишининг натижалари ва олинган хулосаларнинг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги кузатиш тармоғининг ягона усулда амалга оширилган метеорологик ўлчаш маълумотлари, очиқ халқаро реанализ базалари маълумотлари ва Ўрта Осиё синоптик жараёнлари тақвимларидан фойдаланилганлиги, бошланғич маълумотларни йиғиш, уларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва катталиклар орасидаги алоқадорликни баҳолаш ва таҳлил қилишда умумқабул қилинган усулларнинг қўлланилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг атмосфера жараёнларининг фундаментал қонуниятларига мос келиши билан изоҳланади. Тадқиқотнинг илмий натижалари, ишлаб чиқилган таклиф ва

тавсиялар амалиётга жорий қилинган ва ваколатли ташкилот томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда олинган натижалар ва улардан келиб чиқадиган илмий асосланган хулосалардан, хусусан, атмосфера қурғоқчилиги шаклланишига сабаб бўлган ҳаво массаларининг термогигрометрик кўрсаткичлари диапазонлари ва Ўрта Осиё синоптик жараёнларининг турларини аниқлаш ҳамда атмосфера қурғоқчилиги давомийлиги динамикасини баҳолаш усуллари келажакда Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида қурғоқчилик шароитларини баҳолаш, ҳаво массаларининг термодинамик ва циркуляцион омилларининг қурғоқчилик шаклланишига таъсир хусусиятларини аниқлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, қурғоқчилик шароитларини баҳолашнинг тавсия этилган усуллари, ишлаб чиқилган қурғоқчилик тақсимоти карта-схемалари, ҳаво массалари ва минтақавий атмосфера циркуляцияси билан қурғоқчилик шароитлари орасида аниқланган боғлиқликлар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида қурғоқчилик билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, хусусан, сув ресурсларини самарали бошқаришни ташкил этишга хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқот натижалари ва материаллари олий таълим муассасаларининг гидрометеорология йўналишлари ва мутахассисликларида махсус фанларни ўқитишда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қурғоқчиликнинг шаклланиш хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг дашт, воҳа ва тоғли минтақаларида 1991-2020 йиллар даврида SPI ва SPEI индекслари асосида метеорологик, тупроқ ва гидрологик қурғоқчиликлар тақсимоти (такрорланувчанлик, давомийлик, жадаллик кўрсаткичлари) Гидрометеорология хизмати агентлигида ҳудудларда қурғоқчилик шароитларини баҳолашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 16 апрелдаги 01-15/544-сон маълумотномаси). Натижада, SPI ва SPEI индексларини ҳисоблаш асосида метеорологик, тупроқ ва гидрологик қурғоқчиликлар кўламини баҳолаш имконияти яратилган;

максимал ҳаво ҳарорати ва унга мос келувчи шудринг нуқтаси ҳарорати асосида аниқланган ТГК индекси ёрдамида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида турли жадалликдаги атмосфера қурғоқчилигининг такрорланувчанлиги ва давомийлиги кўрсаткичлари Гидрометеорология хизмати агентлигида қишлоқ хўжалигига агрометеорологик хизмат кўрсатишда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 16 апрелдаги

01-15/544-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалиги майдонларида ҳаво қурғоқчилиги мониторингини юритишга хизмат қилган;

ҳаво массалари термогигрометрик кўрсаткичлари (ҳаво ҳарорати, унга мос шудринг нуқтаси ҳарорати, шудринг нуқтаси дефицити, сув буғи максимал дефицити)нинг атмосфера қурғоқчилиги шаклланишига олиб келувчи ўзгариш диапазонлари Гидрометеорология хизмати агентлигида метеорологик прогнозлар тузиш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 16 апрелдаги 01-15/544-сон маълумотномаси). Натижада, ҳаво термогигрометрик кўрсаткичларини баҳолаш асосида атмосфера қурғоқчилиги жадаллигини аниқлаш имконини берган;

Ўзбекистон жанубида атмосфера қурғоқчилигини шакллантирувчи ҳаво массалари ва уларнинг Ўрта Осиё минтақасига кириб келишини таъминловчи синоптик жараён турларининг статистик таҳлили натижалари Гидрометеорология хизмати агентлигида метеорологик прогнозлар тузиш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 16 апрелдаги 01-15/544-сон маълумотномаси). Натижада, Ўрта Осиё синоптик жараёнлари турлари ва улар билан боғлиқ ҳаво массаларининг хоссалари асосида ҳаво қурғоқчилигини қисқа муддатли прогнозлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 5 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянниг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби “Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг табиий географик ва иқлимий тавсифи, гидрографик тармоғи, қишлоқ хўжалиги таркиби”** деб номланиб, унда вилоятларнинг табиий географик ва иқлимий тавсифи баён қилинган, ер ва сув ресурслари таркиби ҳамда улардан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган.

Қашқадарё вилояти Ўзбекистоннинг жанубида жойлашиб, Қарши дашти, Китоб-Шаҳрисабз ботиғи, Ҳисор ва Зарафшон тоғлари, тоғ олди қия текисликларини ўз ичига олади. Вилоят жануби-шарқида жойлашган Сурхондарё вилоятидан Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбий тармоқлари орқали, шимолда Зарафшон водийсида жойлашган вилоятлардан Зарафшон тизмасининг шимоли-ғарбий тармоқлари орқали ажралиб туради. Унинг ҳудуди ғарбда ва жануби-ғарбда Сандиқли чўлига туташган. Сурхондарё вилояти Турон провинцияси таркибига кирувчи Жанубий Тожикистон подпровинциясининг бир қисми бўлиб, республикамизнинг энг жанубида жойлашган. Вилоят чегараси шимолда жуда катта антиклинорий ҳисобланган Ҳисор тизмасининг марказий баланд ўқ қисмидан ўтади. Шарқдан вилоятни Боботоғ, ғарбдан Бойсун ва Кўҳитанг тоғ тизмалари ўраб туради, жанубдаги чегараси эса Ўзбекистоннинг Афғонистон билан Амударё орқали ўтган давлат чегарасига тўғри келади. Вилоят ҳудуди жанубга очиқ ва шимоли-ғарб, шимол ҳамда шарқ томондан тоғлар билан ўралган.

Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳар бир иқлимий даврда кўп йиллик ўртача ҳаво ҳарорати аввалгисига нисбатан кўтарилиб борган. Сўнгги 30 йиллик иқлимий даврда (1991-2020 йй.) ҳаво ҳароратининг базавий иқлимий даврдагига (1961-1990 йй.) нисбатан ортиши Мингчуқурда +0,4°С, Қарши ва Шаҳрисабзда +0,8°С (Қашқадарё вилояти), Шеробод ва Бойсунда +0,7°С, Термиз шаҳрида +1,0°С ни (Сурхондарё вилояти) ташкил этган. 1991-2020 йилларда Қашқадарё вилоятининг тоғли ҳудудларида ҳавонинг кўп йиллик ўртача ҳарорати 7,0-12,0°С, текислик ва тоғ олди ҳудудларида 12,0-17,0°С, Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларида 13,7°С ва қолган қисмида – 17,0-19,0°С ни ташкил этган. Ҳаво ҳароратининг йил ичидаги тақсимоти континентал тургa хос – энг иссиқ ой июль, энг совуқ эса январь. Қашқадарё вилоятининг дашт ҳудудларида йилига ўртача 180-250 мм, тоғли ҳудудларда эса 750 мм гача, Сурхондарё вилоятида эса йилига 180 мм дан 480 мм гача ёғин ёғади. Ёғингарчиликнинг асосий қисми совуқ ярим йилликка тўғри келади. Ёзги давр, айниқса август, пасттекисликларда ёғингарчилик деярли йўқлиги билан ажралиб туради.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида шаклланувчи сув ресурсларининг катта қисми мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқиб иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланади. Ҳозирги вақтда Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги учун бир йилда тахминан 4,73 млрд $м^3$ (4,73 $км^3$) сув сарфланади. Шундан, Қашқадарё дарёсидан секундига 30 $м^3$ (бир йилда 0,95 $км^3$), Зарафшон дарёсидан Эски Анҳор канали орқали секундига 8 $м^3$ (бир йилда 0,25 $км^3$) ҳамда Амударёдан Қарши магистрал канали орқали секундига 105 $м^3$ (бир йилда 3,31 $км^3$) сув олинади. Сурхондарё вилоятида эса

Сурхондарё, Шерободдарё ва бошқа кичик дарёлар орқали секундига 160 $м^3$ сув олинади. Бу сувнинг йиллик умумий ҳажми тахминан 5,05 $км^3$ ни ташкил этади.

Қашқадарё вилоятида 2013 йилда қишлоқ экинларининг умумий майдони 499,1 минг га, Сурхондарё вилоятида эса 283,0 минг га ни ташкил этган. Республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида 2022 йилга келиб бу майдонлар, мос равишда, 418,5 минг га ва 249,1 минг га гача камайган. Ҳар икки вилоятда мазкур экин майдонларида донли экинлар, пахта хом-ашёси, картошка, сабзавотлар, полиз экинлари, мева ва резаворлар, узум маҳсулотлари етиштирилади. Қашқадарё вилоятида 2022 йилда қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг 53,5 фоизи донли экинлар, 32,4 фоизи техник экинлар, 6,3 фоизи озуқа экинлари, 4,4 фоизи сабзавот, 1,9 фоизи картошка ҳамда 1,6 фоизи полиз экинлари, Сурхондарё вилоятида эса 44,0 фоизи донли экинлар, 30,1 фоизи техник экинлар, 11,8 фоизи озуқа экинлари, 8,2 фоизи сабзавот, 4,3 фоизи картошка ва 1,6 фоизи полиз экинлари ҳиссасига тўғри келган. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларининг умумий ҳажми 2013 йилда 5,9 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб 28,8 млрд сўмга етган.

Диссертация ишининг **“Ўзбекистон жанубида метеорологик қурғоқчиликнинг шаклланиши ва уни баҳолаш”** деб номланган **иккинчи бобида** қурғоқчилик ҳодисаси, уни баҳолаш усуллари баён қилинган, тадқиқотда фойдаланилган бошланғич маълумотлар тавсифланган, SPI ва SPEI индекслари бўйича қурғоқчилик шароитларининг такрорланувчанлиги ва шаклланиш эҳтимоллиги баҳоланган, уларнинг фазовий ва вақт давомидаги тақсимоти аниқланган ҳамда ҳар икки индекс бўйича олинган натижалар қиёсий таҳлил қилинган.


Қурғоқчиликнинг бир-бирини тўлдирувчи кўплаб таърифлари мавжуд. И.Н.Русинга биноан вегетация даврида камида 30 кун давомида максимал ҳаво ҳарорати кетма-кет 25°С дан юқори ҳамда самарали ёғингарчилик (кунига 5 мм) қайд этилмаганда қурғоқчилик содир бўлади. Бошқа манбага кўра, қурғоқчилик – намликнинг ўртача даражадан сезиларли паст бўлган даврлари бўлиб, одатда катта майдонларни қамраб олади. Бу даврда сув таъминотидаги чекловлар табиий тизимлар ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсир кўрсатади. Қурғоқчилик ҳодисаси дунёнинг чўллардан ёмғирли ўрмонларгача бўлган ихтиёрий иқлим режимига эга минтақаларида содир бўлиб, қитъаларнинг катта қисмини қамраб олиши ҳамда 3 йилгача давом этиши мумкин.

Илмий адабиётда алоҳида ўзгарувчиларнинг (масалан, ёғингарчилик, тупроқ намлиги, сув оқими, эвапотранспирация) аномалияларидан бошлаб турли атмосфера ўзгарувчиларини бирлаштирувчи кўплаб қурғоқчилик индекслари эълон қилинган. Улар қурғоқчилик билан бевосита боғлиқ бўлган табиий шароит ва кўрсаткичларнинг ўзгаришига асосланиб, ёғингарчилик тақчиллиги, ҳаво намлик дефицитининг атмосферанинг буғланишга талаби (atmospheric evaporative demand – AED)дан ортиши, тупроқ намлиги

дефицити, гидрологик дефицит ҳамда ёғингарчилик ва AEDни бирлаштирувчи атмосфера индексларидир. Бу индекслар асосида қурғоқчиликни баҳолаш метеорологик, қишлоқ хўжалиги, гидрологик ва экологик қурғоқчилик турлари бўйича амалга оширилади. Қурғоқчилик турлари ўртасидаги фарқ мутлақ эмас, у бир турдан бошқасига ўтиши мумкин. Шу сабабли, қурғоқчиликни ягона универсал таъриф ёрдамида тавсифлаб, битта ўзгарувчига асосланган ҳолда ўлчаб бўлмайди.

Диссертация ишида метеорологик, тупроқ ва гидрологик қурғоқчиликни тадқиқ этишда Стандартлаштирилган ёғингарчилик индекси (SPI) ва Стандартлаштирилган ёғингарчилик-буғланиш индекси (SPEI)дан, атмосфера қурғоқчилигини баҳолаш учун эса ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициенти (ТГК)дан фойдаланилди. Мазкур индексларни ҳисоблашда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган 15 та метеорология станцияларининг кузатув маълумотлари ҳамда Европа ўрта муддатли об-ҳаво прогнозлари марказининг ERA5 реанализ базаси маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқ этилаётган 30 йиллик (1991-2020 йй.)да вегетация даври (март-октябрь) учун нам ва қурғоқчил вақт оралиқлари тақсимотини аниқлаш мақсадида ERA5 ҳамда Шаҳрисабз, Мингчуқур, Термиз ва Бойсун метеорология станциялари кузатув маълумотлари асосида ҳисобланган 1, 3, 6, 12 ва 24 ойлик SPI ва SPEI индекслари қийматларининг йиллараро ўзгариш графиклари тузилди. Барча вақт оралиқлари учун SPI ва SPEI индекслари қийматларининг таҳлили қурғоқчилик даражаларининг нормал тақсимотга эга эканлигини кўрсатди. Тадқиқ этилаётган барча станциялар ҳудудида 60,0-80,0% ҳолларда меъёрга яқин намланиш даражаси, экстремал қурғоқчилик шароитлари эса 0,0-7,0% ҳолларда қайд этилган. Намуна сифатида Термиз учун ҳисобланган 3 ойлик SPI ва SPEI индексларининг такрорланувчанлиги 1-расмда келтирилган.




1-расм. Термизда а) SPI 3, б) SPEI 3 индекслари бўйича қурғоқчилик даражаларининг такрорланувчанлиги, % (1991-2020 йй.)

Давомийлигидан қатъий назар турли жадалликдаги қурғоқчилик ҳодисасининг такрорланиш эҳтимолликлари аниқланди. Мисол учун, 1 ойлик SPI индекси бўйича қурғоқчиликнинг кучсиз жадаллиги Шаҳрисабзда 135 та (3 ойда 1 марта), Мингчуқурда 118 та (2,7 ойда 1 марта), Термизда 122 та (3 ойда 1 марта), Бойсунда эса 128 та (2,8 ойда 1 марта) ҳолатларда қайд этилган. Қурғоқчиликнинг экстремал жадаллиги бўйича барча станцияларда

бир хил кўрсаткич (5 та) қайд этилиб, у 6 йилда 1 марта такрорланиш эҳтимоллигига мос келади. Қурғоқчиликнинг мўътадил ва кучли жадалликлари бу станцияларда 10,9-30 ойда 1 марта такрорланишга эга.


SPI ва SPEI индексларининг юқорида таъкидланган йилларараро ўзгариш графиклари асосида нам ва қурғоқчил келган ойлар, мавсумлар ва йиллар аниқланди ва тақсимот карталари тузилди. Мисол тариқасида нам 1998 йил ва қурғоқчил 2000 йил учун тузилган 3 ойлик индекслар тақсимот карталари келтирилган (2-расм). SPI индекси бўйича 1998 йилнинг қиш, баҳор ва ёз мавсумларида бутун ҳудуд бўйлаб меъёрдан юқори намланиш қайд этилган. Куз мавсуми эса кучсиз ва мўътадил қурғоқчилик билан тавсифланади. 2000 йилнинг қиш ва баҳор мавсумларида ҳудудда мўътадилдан экстремалгача бўлган қурғоқчилик шароитлари, ёз мавсумида кучсиз ва мўътадил қурғоқчилик, кузда эса кучсиз намланиш шароитлари кузатилган. SPEI индекси бўйича 1998 йилнинг қиш, баҳор ва ёз мавсумларида бутун ҳудуд бўйлаб меъёрдан юқори намланиш қайд этилган. Куз мавсумида эса кучсиз ва мўътадил қурғоқчилик шароитлари устуворлик қилган. 2000 йилнинг қиш ва баҳор мавсумлари ҳудудда мўътадилдан экстремалгача бўлган қурғоқчилик шароитлари, ёз мавсуми кучсиз ва мўътадил қурғоқчилик, куз эса кучсиз намланиш билан тавсифланади.



2-расм. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 3 ойлик SPI ва SPEI индексининг тақсимоти, нам 1998 йил (а, в), қурғоқчил 2000 йил (б, г)

Метеорологик қурғоқчиликни тавсифловчи 1 ва 3 ойлик SPI ва SPEI индекслари бўйича олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили SPI индекси

бўйича қайд этилган қурғоқчилик кузатилган даврлар тақсимоти SPEI индексида ҳам сақланиб қолишига қарамай, SPEI индекси бўйича қурғоқчиликнинг экстремал даражаси ҳар доим ҳам кузатилмаслигини кўрсатди. Шу билан бирга 3 ойлик SPI ва SPEI индексларининг вақт давомидаги ўзгаришида тақсимот майдонларининг 1 ойлик кўрсаткичларга нисбатан каттароқ мувофиқликка эга эканлиги аниқланди (3-расм). Бу ҳолат каттароқ вақт оралиқлари учун ёғин меъёрлари бўйича ўртачалаштириш ҳисобига юз бериши табиий. Таъкидлаш жоизки, SPEI индекси бўйича қурғоқчилик даражалари бироз кичикроқ қийматларни кўрсатди.



3-расм. Мингчуқур (а,б), Бойсун (в,г), Шаҳрисабз (д,е) ва Термиз (ж,з) станцияларида 1 ва 3 ойлик SPI ва SPEI индексларининг вақт давомидаги ўзгариши (1991-2020 йй.)

“Атмосфера қурғоқчилиги шаклланишининг термодинамик ва циркуляцион омиллари” деб номланган **учинчи бобда** қурғоқчиликка олиб келувчи термодинамик ва динамик жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари муҳокама қилинган, ТГК ёрдамида Ўзбекистон жанубида турли жадалликдаги атмосфера қурғоқчилиги (АҚ) ҳамда унинг шаклланишига олиб келувчи Ўрта Осиё минтақавий атмосфера циркуляцияси ва ҳаво массалари турларининг такрорланувчанлиги ва давомийлиги статистик баҳоланган.

Илмий ва амалий мақсадларда кенг фойдаланилувчи метеорологик қурғоқчилик индексларининг аксарияти асосий параметр сифатида ёғинлар миқдорини инобатга олиб, қурғоқчиликка олиб келувчи бошқа муҳим омиллар эътибордан четда қолади. Кўплаб бошқа экстремал ҳодисалар каби, қурғоқчилик термодинамик ва динамик жараёнларнинг мутаносиблигида содир бўлади. Глобал ва минтақавий миқёсда қурғоқчиликка олиб келувчи термодинамик жараёнлар асосан иссиқлик ва намлик алмашинуви билан боғлиқ бўлиб, шунингдек, ўсимлик қоплами ва уларнинг физиологияси билан қисман модуляцияланади. Бундай жараёнлар, масалан, ҳаво намлиги, ҳарорат ва радиация режимига таъсир кўрсатиб, улар ўз навбатида муайян вақт оралиқларида айрим ҳудудларда ёғингарчилик ва/ёки буғланишга таъсир этади. Ўз навбатида, динамик жараёнлар турли вақт оралиқларида содир бўлувчи қурғоқчиликни тушунтиришда ўта муҳим ҳисобланади. Мазкур ҳолатни эътиборга олиб, Ўзбекистон жанубида АҚ шаклланишининг термодинамик омиллари юқорида кўрсатилган ТГК индекси, унинг шаклланишига сабаб ҳисобланган циркуляцион шароитлар эса Ўрта Осиё синоптик жараёнлари ва улар билан боғлиқ бўлган ҳаво массалари хоссалари асосида таҳлил қилинди.

ТГК индекси ўлчамсиз катталик бўлиб, қуйидаги ифода орқали ҳисобланади:

$$K = \frac{T - \tau}{T} = \frac{\Delta}{T}. \quad (1)$$

Бу ерда: K – ҳаво қурғоқчилигининг термогигрометрик коэффициенти (‰), T – ҳаво ҳарорати, τ – шудринг нуқтаси ҳарорати, $T - \tau = \Delta$ – шудринг нуқтаси дефицити. Барча ҳарорат кўрсаткичлари Кельвин бирлигида.

Ўзбекистоннинг турли табиий географик шароитлари (тоғ, воҳа, чўл) учун ҳаво ҳарорати, сув буғи босими ва ТГК қийматлари ўртасидаги боғлиқликни чуқур таҳлил қилиш асосида тегишли ТГК қийматлари учун Ю.В.Петров томонидан аниқланган АҚ мезонлари қуйидаги чегараларга эга: кучсиз АҚ – ТГК 76-90‰, мўътадил АҚ – 91-105‰, кучли АҚ – 106-120‰, жуда кучли (экстремал) АҚ – 120‰ дан ортиқ.

Дастлаб Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудуди учун ERA5 реанализ маълумотлари асосида ҳисобланган ТГК индекси бўйича АҚ нинг такрорланувчанлиги ва давомийлиги тақсимоти аниқланди. Барча жадалликдаги АҚ нинг кўп йиллик ўртача ойлик такрорланувчанлиги илиқ давр (март-октябрь) давомида аксарият ҳолларда ойига 2 та ҳолатдан ортмайди. Тоғларда ва суғорма деҳқончилик олиб бориладиган воҳаларда ўта кучли АҚ қайд этилмайди. Ёз ойларида кучсиз АҚ Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларида 15-20 кунгача давомийликка эга. Мўътадил АҚ нинг кўп йиллик ўртача ойлик давомийлиги баҳор ва куз ойларида 5-10 кундан ортмайди. Кучли АҚ март-апрель ойларида Ўзбекистон жанубида 5 кун, май-сентябрь оралиғида Сурхондарё вилоятининг жанубида 10 кунгача, ёз ойларида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг айрим ҳудудларида 15 кунгача давом этади. Октябрга келиб АҚ бу даражасининг давомийлиги Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти бўйлаб 5 кунни ташкил этади. Экстремал АҚ нинг давомийлиги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятида 5 кундан ортмайди. Воҳанинг деҳқончилик олиб бориладиган ҳудудларида кучли ва экстремал АҚ кузатилмайди. Бу ҳолат, катта эҳтимоллик билан, суғориш ишларининг сиртдан буғланиш орқали ҳаво намлигига ижобий таъсири билан изоҳланади.

Тадқиқотда 1991-2024 йиллар ер усти кузатув маълумотлари асосида ҳисобланган ТГК индекси бўйича АҚ шаклланишининг термодинамик параметрлари (максимал ҳаво ҳарорати, шудринг нуқтаси ҳарорати ва унинг дефицити, максимал сув буғи босими дефицити) диапазонлари таҳлил қилинди. Натижаларнинг кўрсатишича, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида Чимқўрғон, Муборак, Қарши, Шаҳрисабз ва Бойсунда кучсиз ва мўътадил, Термизда мўътадил ва кучли, Мингчуқурда кучсиз АҚ шароитлари устуворлик қилади. Турли даражадаги АҚ шаклланишининг бош фарқловчи белгилари эса қуйидагилардир: дашт ва воҳа ҳудудларида кучсиз АҚ шудринг нуқтаси дефицити 22,0-28,0°C, мўътадил АҚ – 27,0-33,0°C, кучли АҚ – 32,0-38,0°C ва жуда кучли АҚ – 36,0°C дан юқори бўлганда, тоғ ҳудудида эса мос равишда 21,0-27,0°C, 25,0-32,0°C, 30,0-37,0°C ва 36,5°C дан юқори бўлганда шаклланади.

